




BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

6/2022



E-ISSN 2181-1466





9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



6/2022

**PUBLISHED
SINCE 2000**
(Online since 2020)

**PUBLISHED SIX
TIMES A YEAR**

2022/6(94)

CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:

Khamidov O.Kh.

Doctor of Economics, Professor

EDITOR-IN-CHIEF:

Rasulov T.Kh.

Doctor of Physics and Mathematics, Docent

INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:

Kuzmichev N.D. (Russia)

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Danova M. (Bulgaria)

Doctor of Philology, Professor

Margianti SE. (Indonesia)

Doctor of Economics, Professor

Wünsch Th. (Germany)

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

Minin V.V. (Russia)

Doctor of Chemical Sciences

Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)

Doctor of Technical Sciences

Muminov M.E. (Malaysia)

Candidate of Physics and Mathematics

Srivastava P.K. (India)

American and English Literature PhD in English

NATIONAL EDITORIAL BOARD:

Adizov B.R.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor
(Deputy Editor-in-Chief)

Abuzalova M.K.

Doctor of Philological sciences, Professor

Amonov M.R.

Doctor of Technical sciences, Professor

Barotov Sh.R.

Doctor of Psychological sciences, Professor

Bakoyeva M.K.

Doctor of Philological sciences

Buriyev S.B.

Doctor of biological sciences, professor

Djurayev D.R.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Durdiyev D.K.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Olimov Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Kakhkhorov S.K.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Umarov B.B.

Doctor of Chemical sciences, Professor

Urayeva D.S.

Doctor of Philological sciences, Professor

Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:

Navruz-zoda B.N.

Doctor of Economics, Professor

Turayev H.H.

Doctor of Historical sciences, Professor

Juraev N.K.

Doctor of Political sciences, Professor

Jumaev R.G.

PhD in Political sciences, Docent

Kuvvatova D.Kh.

Doctor of Philological sciences, Professor

Akhmedova Sh. N.

Doctor of Philological sciences, Professor

Davlatova R.Kh.

Doctor of Philological sciences, Docent

SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

*The journal is published in the Bukhara
Regional Department of Press and
Information of the Press and Information
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of
Bukhara state university" is included in
the list of scientific publications
recommended to publish the main
scientific results of doctoral dissertations
of the Higher Attestation Commission
under the Cabinet of Ministers of the
Republic of Uzbekistan on philology and
physical and mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors
and teachers of higher educational
institutions, senior researchers,
students, scientific staff of scientific
research institutions, teachers of
academic lyceums, professional
colleges, as well as researchers in
general secondary education and
various fields.*

Founder: BUKHARA STATE UNIVERSITY

Executive secretary:

Sayfullaeva N.Z.

**Doctor of Philosophy in
Pedagogical Sciences (PhD)**

Editor: Sobirova Z.R.

Department technicians:

Shirinova M.Sh.

Raximova S.M.

| EXACT AND NATURAL SCIENCES | | |
|---|--|-----|
| Турдиев Х.Х., Холиков С.Х., Темирова М. Х. | Смешанная задача для интегро-дифференциальной гиперболической систем первого порядка с памятью | 3 |
| Abdullaev J.I., Ibragimov H.H. | Pifagor va EYler g'ishtlari | 10 |
| Жалолов О.И., Исомиддинов Б.О. | Построение оптимальных по порядку сходимости кубатурных формул типа Эрмита в пространстве Соболева | 16 |
| Jumayev J. | Transport masalasini Mathcad tizimida yechish | 27 |
| Raxmatova N.J. | Inverse coefficient problem for the 1d fractional diffusion equation with initial-boundary problem | 32 |
| Nurolliyev N.Sh. | Methods and analysis of operating with scientific laboratories to investigate the optical properties of zinc oxide nanorods | 41 |
| Хаятов Х.У. | Построение квадратурных формул с помощью оптимальной интерполяционной формулы в пространстве С.Л.Соболева $\tilde{W}_2^{(m)}(T_1)$ | 50 |
| Babaev S.S., Amonova N.A. | To construct basis functions in $W_2^{(1,0)}$ space for finite element method for 1d two-point boundary-value problems | 57 |
| LINGUISTICS | | |
| Jumayev E.B., To'xtayeva M.O. | O'zbek adabiy tilida so'roq gap va o'zlashtirmalik | 63 |
| Kambarova M. | Classification of architecture and construction terms for the national corpus | 69 |
| Kazakov I.R. | Frazeologiyada millat tili va madaniyati tavsifi | 73 |
| Radjabov R.R. | Fransuz tili orfografiyasiga oid ilmiy-nazariy qarashlar | 77 |
| Rabieva M.G'. | Kinodiskurs yaxlitligini ta'minlashda verbal-vizual komponentlar va ularning ahamiyati | 81 |
| Saidov S.S. | Ikkinchi til o'rganishda ekstraversiyaning foydalari | 86 |
| Xolova Sh.D. | Frazeologik birlik-frazema-frazeologizm: tasnif va tadqiqot tahlili | 92 |
| Usmonov A.K. | Bog'lovchilarning pleonastik qo'llanishining stilistik xususiyatlari | 98 |
| Жаббарова Ю.Х. | Қариндошлик терминлари иштирокидаги прагматик коннотация | 103 |
| Нурова Ю.У. | Паремалардаги озиқ-овқат номлари этнолингвистика объекти сифатида | 109 |
| Раджабов Н.Н. | Инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари | 114 |
| Рўзиев Я.Б. | Ноқардош тилларда иккинчи тур ўзлаштирмалик ва микромагн | 121 |

НОҚАРДОШ ТИЛЛАРДА ИККИНЧИ ТУР ЎЗЛАШТИРМАЛИК ВА МИКРОМАТН

Рўзиев Яраш Бозорович

PhD, Бухоро давлат университети доценти

(e-mail: yarasch@mail.ru)

Аннотация: Ўзлаштирмалик синтактик ва морфологик йўл билан ҳосил бўлади. Морфологик йўл билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмалик қиёсланаётган тиллардан фақат ўзбек ва немис адабий тилларига хос, рус тилида эса ўзлаштирмаликнинг фақат биринчи тури яъни синтактик йўл билан ҳосил бўладигани хосдир. Ўзбек тилида иккинчи тур ўзлаштирмалик деганда кўчирма гапдан морфологик йўл яъни қўшимча ва тўлиқсиз (ёрдамчи) феъл билан ясаладиган шакллар назарда тутилади. Кўчирма гапни иккинчи ўзлаштирма гапга айлантирганда кесимнинг қўшимчаси ва тўлиқсиз феъл ўзгаради холос. Кўчирма гапнинг лугавий таркиби ўзгармайди.

Калит сўзлар: ўзга нутқ, кўчирма нутқ, ўзлаштирма нутқ, матн, микроматн, макроматн, муаллиф нутқи, хабар манбаи, эшитилганлик семаси, синтактик восита, морфологик восита, нутқ феъли, тил қурилиши, тежамкорлик.

Аннотация: Косвенная речь формируется синтаксическим и морфологическим путем. Второй тип косвенной речи характерна для сравниваемых языков только в узбекском и немецком литературных языках, а в русском только первый тип речи формируется синтаксическими средствами. В узбекском языке ко второму типу косвенной речи относятся формы, образованные от прямой речи морфологическим путем, т. е. со вспомогательным и неполным (вспомогательным) глаголом. При превращении прямой речи в косвенную речь изменяются только суффиксы причастия и причастие. Лексическая структура предложения не меняется.

Ключевые слова: чужая речь, прямая речь, косвенная речь, текст, микротекст, макротекст, авторская речь, источник сообщения, сема слышимости, синтаксические средства, морфологические средства, речевой глагол, языковая конструкция, экономия.

Abstract: The indirect speech is formed in a syntactic and morphological way. Morphological assimilation is typical for the compared languages only in the Uzbek and German literary languages, and in Russian only the first type of assimilation is formed by syntactic means. In the Uzbek language, the second type of assimilation includes forms formed from a derivative sentence in a morphological way, i.e. with an auxiliary and incomplete (auxiliary) verb. When turning a derivative sentence into a second type of indirect speech, only the participle suffix and participle change. The lexical structure of the sentence does not change.

Key words: foreign speech, direct speech, indirect speech, text, microtext, macrottext, author's speech, message source, audibility seme, syntactic means, morphological means, speech verb, language construction, economy.

Кириш. Синтактик бирлик бўлганидан гап каби микроматнга ҳам яхлитлик, тугаллик хос деб каралади. Адабиётларда кўрсатилишича микроматн яхлитлиги уч хил кўринишга эга: 1) тузилишига кўра (шаклий, зохирий, структур) яхлитлик; 2) мазмун-мундарижаси жиҳатдан яхлитлик; 3) нуткий (коммуникатив) яхлитлик ёки унинг вазифа (функция)си [2, 323].

Микроматннинг мазмуний яхлитлиги ундаги мазмуний асос (яъни тема)нинг битталигида ўз ифодасини топади. Микроматн темаси деганда унинг мазмуний ядроси яъни бутун матнга хос умумлашган мазмун назарда тутилади [1, 15; 2, 324]. Мазмуний асос ифодаланиши жиҳатдан тўрт гуруҳга ажратилади: 1) алмашиш, 2) такрор, 3) импликация (тушиб қолиш) ва 4) координация.

Асосий қисм. Алмашиш деганда микроматн таркибидаги кейинги гапдаги бирор унсурнинг олдинги гапдаги олдинги гап бирор унсур ўрнида қўлланиши назарда тутилади. Бундай ҳолда алмаштиришдан фойдаланилмаса микроматннинг фақат мазмун эмас, тузилиш ва коммуникатив яхлитлигига ҳам путур етади. Алмашиш воситаси уч хил: 1) олмош, 2) маънодош сўз, 3) пайт ва ўрин холи.

Такрор. Мустақил гапларнинг мазмун жиҳатдан ифодалашда яъни микроматнга бирлаштиришда лисоний воситаларнинг такрор қўлланиши алоҳида аҳамият касб этади. Такрор

қўлланадиган воситалар сирасига от (атокли, турдош, мавҳум), сифат, равиш, феъл туркумига оид сўзлар, сўз бирикмаси ҳамда гап киради.

Микроматннинг мазмуний яхлитлигини ҳосил қилишда импликация ҳам иштирок этади. Бунда микроматн таркибидаги гапларнинг мазмунан алоқаси, боғлиқлиги вазият (ситуация) ёки бутун-қисм муносабатига боғлиқ бўлади. Бундай алоқа натижасида очкич сўз билан бирга яна бошқа мавжудот ёки вазият тақозо этилади [3, 20].

Очкич сўз қўлланмаганда мазмуний асос(тема)нинг яхлитлиги микроматн қисмларининг умумий мазмунидан ҳосил бўлади: *Silberne Wasser brausten, süße Waldvögel zwischerten, die Herdenglöckchen läuteten, die mannigfaltig grünen Bäume wurden von der Sonne goldig ausgestrahlt* (Heine). Ушбу микроматн темасини *ёзги қуёшли кун* деб атаса бўлади. Бунга унинг таркибидаги табиат тасвири акс этган гапларнинг мазмунини умумлаштириш имкон беради [3, 21].

Бу фикрларда немис тилининг хусусияти инобатга олинган. Ўзбек тилшунослигида микроматнга бағишланган тадқиқотда *импликация тушиб қолиш* деган маънода тушунилади. Бунда аввало икки ва ундан ортиқ мустақил содда гапнинг мазмунан ёки мантикий йўл билан битта микроматнга бирлашиб сабаб-натижа (1) ва бутун-қисм (2) муносабати ифодаланиши назарда тутилади: 1) *Ҳаво совуқ бўлди. Биз ишга чиқмадик.* 2) *Кеча бахтсиз ҳодиса юз берди. Каримнинг қўли лат еди* [4, 28-29]. Бундан ташқари тежаш қонунияти асосида муайян лисоний воситанинг тушиб қолиши ҳам импликация деб аталади. Қуйидаги микроматнда биринчи гапдаги от (*Умматали*) ўрнида иккинчи гапда қўлланадиган олмош (*у*) тушиб қолган: *Кўча муюлишига келганда Умматали тўхтади. Хотинига қаради* (С. Аҳмад). Ушбу микроматн тематик занжири чизмасида иккинчи гап темаси қавсда импликация деб кўрсатилган [Тўхсанов, 1987, 41]. Бундан иккинчи гап темаси лисоний восита билан ифодаланган деган маъно англашилади. Иккинчи гапда олмош тушиб қолган дейилишининг сабаби шуки тадқиқотчи энг кичик мустақил содда гап деганда *эга ва кесимдан иборат гапни* тушунади [2, 443].

Субстанциал (формал-функционал) синтаксис ҳамда тил руҳий-ижтимоий хилқат деб қараладиган йўналишлар нуқтаи назаридан ёндашсак бу талқин ўзбек тили қурилишининг ўзига хос хусусиятига мос келмайди деб эътироф этишимизга тўғри келади. Бундай ҳолда олмош *тушиб қолади эмас, тежаллади* деб унинг сабаблари баён қилинади. Сабаб шуки биринчи гапда эга атокли от (*Умматали*) билан ифодаланганидан уни яна таъкидлаш зарурати йўқ. Шу боис унинг морфологик восита яъни эгалик қўшимчаси (*-и*) билан ифодаланиши кифоя.

Матннинг тузилиш жиҳатдан яхлитлиги жумладан германистика ва рус тилшунослигида кўп ўрганилган. Олимларнинг фикрига тузилиш жиҳатдан яхлитлик матн мазмуний ва коммуникатив яхлитлигининг ифода воситаси ҳисобланади. Бундай воситаларга кишилиқ, кўрсатиш ва эгалик олмоши, олмош-равиш, артикл, замон шакли, сон, маънодош, маъноси яқин очкич сўзлар, луғавий такрор, пайт ва ўрин равиши, боғловчи, боғловчи вазифасидаги сўзлар шунингдек юклама ва модал-кириш сўзлар киради. Бу воситалар ўзи қўлланган гапнинг *олдинги ёки кейинги гап(лар) билан боғлиқлигини* кўрсатиш учун хизмат қилиб матн ҳосил бўлишида иштирок этади. Масалан *Der Schwan und ihr Boot glitten lautlos aneinander vorüber* гапи алоҳида олиб қаралса аниқ артикл (*der*) ва эгалик олмоши (*ihr*) қўлланганлигининг сабаби аниқ бўлмай қолади. Гап эса тузилиш жиҳатдан яхлит, тугал бўлмайди. Таркибидаги мазкур воситаларда олдинга ишора мавжуд. Бинобарин олдинги гапларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундагина фақат тузилиш жиҳатдан эмас, мазмунан ва коммуникатив жиҳатдан ҳам тугаллик ҳосил бўлади: *Im Kanal lag ein Boot; sie mieteten es und schwammen dahin. Ein Schwan kam ihnen entgegen. Der Schwan und ihr Boot glitten lautlos aneinander vorüber* (H. Mann).

Қуйидаги микроматнда яхлитликни ифодаловчи воситалар юқоридагидан фарқ қилади: *Marcel erwachte mit entsetzlichen Schmerzen in der Schulter. Bürger Buzot hatte ihn auf falsche Seite gelegt* (W. Bredel). Кишилиқ олмоши (*ihn*) биринчи гапдан атокли от (*Marcel*) ўрнида қўлланган, плюсквамперфектдан кейин содир бўлган воқеа аниқ (*имперфектда* ифодаланган). Демак ўзаро тузилиш жиҳатдан ва мазмунан боғланган икки гап биргаликда микроматн ҳосил қилмоқда [4, 26].

Қисқача шарҳдан маълум бўладиги хорижий (немис, рус) тилларда микроматн яхлитлиги ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида эса микроматннинг тузилиш жиҳатдан яхлитлиги мутлақо ўрганилмаган. Мазмуний ва коммуникатив яхлитлик қисман тадқиқ этилган. Энди бевосита ва билвосита таржима асосида ўзлаштирмаликнинг иккинчи тур шакллари матний, узвли ва киёсий-типологик таҳлил қилишга ўтамуз.

¹ Буларнинг биринчиси анафорик, иккинчиси катафорик алоқа, боғланиш деб аталади [Тўхсанов, 1987, 22]

Таҳлилни таркибида иккита иккинчи тур шакли қўлланган микроматнлардан бошлаймиз. Аввало микроматннинг чегарасини белгилашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун таркибида очкич сўз бўлган гапларни топамиз: *Унинг назарида ҳозирча бирдан-бир тайинли иш ўша биринчи мажлисни яхшироқ ўтказиш, бунинг учун пишиқроқ тайёрлик кўриш бўлиб қолди (75). Ушбу гап таркибидаги очкич сўзлар (мажлис, тайёрлик) 81-саҳифадаги биринчи абзац охиридаги гапда шундай такрорланади (мажлис, эълон): Саида хотиржам бўлди ва эртасига мажлис ҳақида эълон ёзиб осди.*²

Шуларга асосланиб микроматннинг мазмуний асосини *Мажлисга тайёргарлик* деб номласа бўлади. Мазкур гаплардан микроматннинг ҳажми ҳам аниқ бўлади. У беш саҳифадан ортиқроқ, ўнлаб абзацдан таркиб топган. Ҳар бир абзац биттадан ўнтагача ва ундан ортиқ гапни ўз ичига олади. Микроматннинг мазмуний яхлитлигини шакллантиришда такрор билан бирга алмашиш, тежаш (импликация) воситалари ҳам иштирок этади. Коммуникатив мақсад категориясининг барча маъноси (хабар, буйруқ, сўроқ) воқеланган. Гапларни ўзаро мазмунан ва шаклан бириктириш учун боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзлар қатнашган. Буларнинг барчасини изоҳлаш бир неча саҳифани банд этади. Шу сабабли фақат ўзлаштирмалик ва у билан алоқадор семалар намоён бўладиган абзацу гапларни таҳлил қилиш билан чегараланамиз:

Чунки бир вақт Исмоилжон бирмунча масалаларда раис билан келишолмай унинг назаридан қолган, яхши бригадир бўлса ҳам елканга офтоб тегмас экан. (80)

Ушбу мисол ўн қаторли абзацнинг охирида келган битта эргаш гап ва битта эргашган қўшма гапдан иборат. Аввало шуки абзацдаги барча гап хабар ифодалайди яъни дарак гап. Аммо дастлабки гапларда бевосита хабар яъни сўзловчи вазифасида келган Саиданинг ўзи амалга оширган ёки гувоҳи бўлган воқеа-ҳодиса хабар қилинади. Сўнгра иккита шакл орқали ўлаштира хабар баён қилинади.

Шакллардан бири *-ган экан*, иккинчиси *-(а)р экан*. *-мас* иккинчи қўшимча қисмининг бўлишсиз шакли. Биринчи шаклда тўлиқсиз феъл тежалган. Демак импликация мавжуд, у иккала гапнинг шаклий ва мазмуний яхлитлигини шакллантиришда иштирок этади. Иккала шаклда ҳам *ўтган замон* ва *ўлаштира хабар* семалари намоён бўлмоқда. Биринчи сема луғавий восита (*бир вақт*) орқали ҳам ифодаланмоқда. У морфологик восита (*-ган*)дан англашилган замонни ойдинлаштиради. Айни вақтда иккинчи шакл *давомлилик* семасининг қўламини кўрсатади. Шакл иккинчи гапда, луғавий восита биринчи гап таркибида келганидан луғавий восита иккала гапни ўзаро замон жиҳатдан алоқасини шакллантиришда қатнашади.

Иккала гапда ўтган замонда рўй берган ҳаракатнинг сўзловчи томонидан ўлаштириб баён қилинаётгани аниқ. Аммо сўзловчи кимнинг фикрини ўлаштириб баён қилаётгани аниқ эмас. Фикри ўлаштирилган шахсни кўрсатиш учун олдинги гапда луғавий восита (*баъзилар*) қўлланган. Сўзловчи эса абзац бошида атоқли от (*Саида*) билан ифодаланган. Демак Саида бошқа нутқий амалда баъзилардан эшитган хабарни ўлаштириб иккита гап орқали воқелантирмоқда. Бошқача қилиб айтганда баъзиларнинг *бир вақт Исмоилжон бирмунча масалаларда раис билан келишолмай унинг назаридан қолган эдик, яхши бригадир бўлса ҳам елкасига офтоб тегмас эди* деган хабарида сўзловчи томонидан тўлиқсиз феъл ўзгартирилади холос. Натижада баъзилар бевосита кузатган хабар қисман ўзгариб ўлаштира хабарга айланган.

Шуни ҳам айтиш жоизки мисолнинг бошидаги боғловчи (*чунки*) микроматн таркибидаги бир абзацнинг ўлаштирилган хабар қисмини ўлаштирилмаган хабар қисми билан боғлаш вазифасини бажармоқда. Бошқача айтганда абзацнинг иккинчи қисмини турлича қисми билан боғловчи восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Энди таҳлил учун танланган мисолнинг бевосита таржимасига назар ташлаймиз:

Дело в том, что когда-то, правда уже давно, Исмаилджан совершил довольно редкий в их колхозе проступок – покритиковал председателя – и с тех пор был у него в опале, хотя и продолжал оставаться одним из лучших бригадиров. (169)

Мисол таркибига кирган абзацнинг ҳажми асл нусхага мос. Абзац иккала манбада ҳам ўн қатордан. Аммо мисолнинг ўзи асл нусхада уч қатор, таржимада эса беш қатор. Сабаби ёзувчининг ҳар бир сўзни қўллашда ўта тежамкорлик билан ёндашгани инобатга олинмаган. Оқибатда асл нусхадаги бир сўз ўрнига икки ва ундан кўп сўз қўлланган. Масалан *чунки – дело в том, что* деб, *бир вақт – когда-то, правда уже давно* деб ўгирилган. Асл нусхада йўқ сўзлар қўшилган: *довольно редкий в колхозе*. Ўзга шахснинг ижтимоий вазифасини англаувчи сўз (*раис*) унинг фамилияси билан алмаштирилган. Бундан ташқари таржима тилининг хусусияти айрим қўшимча англаган маънони

² А. Қаҳҳорнинг Синчалак асари таржималари қиёсий таҳлил қилинган.

сўз билан ифодалашни такозо этади. Чунончи *давомлилик* маъносининг ифода воситаси асл нусхада - *(а)р (мас)* бўлгани холда рус тилига сўз (*продолжал*) билан ағдарилган. Хабар манбаи ўзбекча матнда битта сўз (*баъзилар*), таржимада *двое или трое* бўлиб қолган. Ҳолбуки назарда тутилган тушунчани рус тилида ҳам битта сўз билан ифодаласа бўлар эди ва ҳоказо.

Немисча таржима русчага айнан мос. Унда ҳам русча таржимадаги барча луғавий ноқислик учрайди. Жумладан иккита сўз (*бир вақт*) тўртта сўз (*freilich schon lange her*) билан ўгирилган. Асл нусхада бўлмаган сўзлар (*eine in der Kolchose ziemlich seltene Fehlleistung*) қўшилган ва ҳоказо. Ўзлаштирма хабарни ифода этишда немис тилининг грамматик имкониятидан мутлақо фойдаланилмаган, рус тилидагидек фақат луғавий восита билан чекланилган. Катта раҳбар (*раис*)нинг кичик раҳбар (*бригадир*)га салбий муносабати бўрттириб ифода этилган. Рус таржимонлари луғавий восита ва чизикдан фойдаланган бўлса немис таржимони оҳангни ҳам қўшган (ёзувда ундов белгиси) ва б.

In der Tat, es war freilich schon lange her, hatte Ismaildshan eine in der Kolchose ziemlich seltene Fehlleistung begangen – er hatte den Vorsitzenden kritisiert! Seitdem lebte er in Ungnade, obwohl er weiterhin zu den besten Brigadiern gehörte. (66)

Таҳлил учун танланган иккинчи мисолимиз ҳажман ихчам, атиги бир абзацдан иборат. Абзац тўртта гапдан тузилган. Ахборот муаллиф номидан баён қилинган, монологик нутқ. Ахборот эгаси турдош от (*райижроқўм*) билан ифода этилган. У очқич сўз вазифасини бажаради. Шуларга асосланиб микроматнни *Райижроқўм раиси кабинетда* деб номласа бўлади.

Микроматндаги ўзлаштирма хабар ва унинг манбаи яъни фикри ўзлашган шахс учта содда гапда ўз ифодасини топган:

Райижроқўм раиси сўзни жуда қисқа қилди. Районга ўн бир кишидан иборат ҳинд хотин-қизлари делегацияси келар экан. Делегация ҳозир Самарқандда бўлиб, индинга соат тўртда районга келиш эҳтимоли бор экан. (153)

Мисолдаги биринчи содда гап хабар манбаи бўлиб кесим ва унга тобе тўлдирувчини сўзлади ёки *гапирди* феъли билан алмаштирса бўлади. Демак улар нутқ феълининг маънодоши. Муаллиф райижроқўм раисининг жуда қисқа сўзини иккита содда гап орқали ўзлаштириб баён қилади. Бунинг учун аввало кесимнинг морфологик таркиби ўзгартирилади. Биринчи гапдаги *-ади* қўшимчаси *-ар экан* билан алмаштирилиб иккинчи гапда от кесим (бор)га тўлиқсиз феъл (*экан*) қўшилади. Натигада сўзловчининг ўз нутқи, ўзи амалга оширган иш-ҳаракат ва белги (мавжудлик) ҳақида хабар (яъни *Районга ўн бир кишидан иборат ҳинд-қизлари делегацияси келади* ва *Делегация ҳозир Самарқандда бўлиб, индинга соат тўртда районга келиш эҳтимоли бор*) қисман ўзгариб ўзлаштирма хабар шаклланади. Бу билан баёндаги луғавий-грамматик бирхилликни бартараф этишга эришилади. Бундан ташқари иккинчи содда гапнинг биринчи қисмида тўлиқсиз феъл (*экан*) тежалиб боғловчи вазифасидаги қўшимча (*-иб*) қўшилиши билан аввало ғализлик туғдирадиган такрорнинг олди олинади. Айни пайтда қўшимча микроматн таркибидаги иккита содда гапни ўзаро боғлаш вазифасини бажариб битта содда гапга айлантиради.

Ушбу микроматннинг замон хусусияти ҳам олдинги мисолдан фарқ қилади. Абзацнинг биринчи, иккинчи ва охириги гапида *-ди* шакли қўлланган. Бинобарин *ўтган замон* ва у билан бирга *бевосита кузатганлик* семаси намоён бўлмоқда. Бошқача айтганда нутқ пайтидан олдин рўй бериб сўзловчи бевосита кузатган иш-ҳаракат хабар берилмоқда. Микроматндаги ўзлаштирма хабар ифодаланган биринчи содда гапда *келаси замон* семаси намоён бўлган. Бу семага *-ар* ва *экан* бетараф бўлганидан мазкур семанинг воқеланишига феълнинг ўзаги (*кел*) ёрдам бермоқда. Чунки у терминатив феъл. Мураккаб содда гапнинг биринчи қисмида *ҳозирги замон*, иккинчи қисмида *келаси замон* семаси намоён бўлган. Биринчи сема битта луғавий восита (*ҳозир*), иккинчиси иккита луғавий восита (*индинга, соат тўртда*) орқали ифода этилган. Шу боис мазкур воситалар тушириб қолдирилса иккала гапда ҳам замонга муносабат ўзгаради.

Энди грамматик ҳар хиллик, тежамкорлик зухур бўлган микроматннинг бевосита таржимасига муносабат қиламиз:

Председатель райисполкома куда-то торопился и поэтому изложил суть дела самым кратким образом. Оказывается, на днях в их район из Самарканда придет целая делегация индийских женщин; в какой из колхозов они приедут погостить – пока неизвестно, да и не в этом дело – в какой захотят, в тот и поедут. (270)

Аввало шуки таржимада абзац анча қисқарган, ўн бир қатор саккиз қатор бўлиб қолган. Чунки абзац бошидаги гап (*Роса соат ўн бирда раислар кабинетга таклиф қилинди*) ўгирилмаган. Ҳолбуки гапдаги биринчи сўз катта раҳбарнинг нақадар интизомли ва масъулиятли эканлигига ишора бор.

Таржимада бунинг акси бўлиб қолган (*куда-то торопился*). Охириги гап ҳам қисқартириб таржима қилинган. Ўзга хабар ифодаланган гапларга келсак ўзлаштирмалик биргина сўз (*оказывается*) орқали ифода этилган. Шу сўз тушириб қолдирилса хабар сўзловчининг ўз нутқи бўлиб қолади.

Шуни таъкидлаш жоизки немисча таржима билвосита бўлса-да унинг грамматик жиҳати асл нусхага анча яқин. Таржимон бунга немис тилининг синтактик ва морфологик ўзига хослигидан ўринли фойдалангани учун эришган: *Der Vorsitzende des Kreisexekutivkomitees hatte es sehr eilig, und deshalb machte er es kurz. Es handelte sich darum, daß in den nächsten Tagen eine Delegation indischer Frauen aus Samarkand ankam. Es sei doch ungewiß, welche der Kolchese sie aufsuchen würde; das vorher zu wissen sei auch nicht so wichtig. Sie würden fahren, in welche sie wollten.* (192)

Биринчи ўзлаштирма гапда немис тилининг синтактик хусусияти инобатга олинганидан ўзлаштирма хабар боғловчи (*daß*)ли эргаш гап орқали ўгирилган. Шу боис кесим майли индикатив. Кейинги гапларда боғловчисиз эргаш гап қўлланиб ўзлаштирмаликнинг морфологик белгиси бўлган конъюнктив замон шакллари ишлатилган. Аммо луғавий ва фразеологик воситаларнинг ишлатилиши русча таржимага айнан мос: *окаывается – es handelte; куда-то торопился – hatte es sehr eilig; на днях – in den nächsten Tagen.*

Шуниси диққатга сазоворки асл нусхага мос келмайдиган айрим жиҳат иккала тил учун муштарак бўлиб шу тилларда сўзлашувчи халқларнинг ўзига хос маданияти аниқроғи ахлоқий тамойиллари билан узвий боғлиқ. Масалан асл нусхада қўлланган жуфт отнинг битта қисми таржимада инобатга олинмаган: *хотин-қизлар – женицины – Frauen.*

Хулоса. Ўзбек тилида иккинчи тур ўзлаштирмалик деганда кўчирма гапдан морфологик йўл яъни кўшимча ва тўлиқсиз (ёрдамчи) феъл билан ясаладиган шакллар назарда тутилади. Кўчирма гапни иккинчи ўзлаштирма гапга айлантирганда кесимнинг кўшимчаси ва тўлиқсиз феъл ўзгаради холос. Кўчирма гапнинг луғавий таркиби ўзгармайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Agricola E. *Semantische Relation im Text und System.* Halle, 1969.
2. Зикриллаев Ф.Н. *Рух ва тил.* Тошкент: Фан, 2018.
3. Москальская О.И. *Грамматика текста.* – Москва: Высшая школа, 1981. – 183
4. Тухсанов М. *Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи.* Дисс. ... канд. филол. наук. Бухара – Андижан, 1987. – 137 с.
5. Рўзиев Я.Б. *Немис адабий тилида ўзлаштирма нутқ.* International Scientific and Practical Conference "Modern philological paradigms: interaction of traditions and innovations II", www.myscience.uz. 18.03.2022, p. 72-77
6. Рўзиев Я.Б. *Ўзбек тилишунослигида кўчирма ва ўзлаштирма нутқнинг талқину тавсифи.* БухДУ илмий ахбороти. – Бухоро: БухДУ, 2022. -№ 4-сон. 68-77-б.